# НЕ НАЗМКИ ЎТЛУҒ КЎНГУЛДИН ЧИҚОРДИМ...

АЛИШЕР НАВОИЙ қитъа жанридаги шеърларидан бирини сарлавҳадаги шу сўзлар билан бошлаган эди. Навоий учун асл сўз—кўнгул ўтидан сачраган сўз. Юрак ва ақл ёлқинини акс эттирмаган сўзни шоир ишқ ва маърифат файзидан маҳрум деб билган. Навоий қитъаларида хирадманд, улуғ ҳикматнависдир. У қитъаларини:

**Мажмуни ўйла кишварки, англаки сатҳини,**
**Ҳикмат суйидин айламишам қитъа-қитъа боғ,—**

деб бежиз таърифламаган эди. Бу тафаккур «кишвари»да ўқувчининг фикри ўсади, кўнгли нурланади, ақли фаоллашади. Чунки Алишер Навоий қитъаларида табиатдаги оддий қурғоқчиликдан коинот сир-асроригача, чумолидан инсон қисмати ва унинг давр, жамият, борлиқ билан муносабатигача — барча-барчаси ҳақида мушоҳада юритилиб, фикр билдирилган.

Инсонни сўз тарбиялайди. Сўзда инсонга хос барча ижобий, салбий хислатлар аксини топади. Масалан, «виқор» сўзини олайлик. У қадимий сўз. Унинг бағрида улуғворлик, салобат, мағрурлик маънолари мужассамлашган. Виқор дейилганда, негадир, менинг кўз ўнгимда, Ҳақ ва Ҳақиқатдан бошқа ҳеч нима, ҳеч кимга бўйин эгмаган буюк боболаримизнинг адл қоматлари гавдаланади. Сўзга муносиб бўлолмаслик — бу ҳам фожиа.

**Минорлар эмас, бу —фалакка қасам,**
**Улуғ боболар кетмишлар санчиб, —**

дейди Абдулла Орипов. Қасоскор аждодларимиз виқорли зотлардир. Улар қасамларинигина эмас, ғурурларини ҳам «санчиб» кетганлар. Минорлар — уларнинг виқор тимсоллари. Виқор билан маърифат ажралмас тушунчалар. Илму тафаккурга таянмаган виқор, виқор эмас, балки кеккайиш, сохта манманлик ҳисобланади. Навоий эса чин маънодаги виқорга чорлаб ёзган:

**Виқор гавҳарию ҳилм маъдани бўлакўр,**
**Десангки, қилғай итоат санга гадо ила шоҳ...**

«Гавҳар» сўзи виқор туйғусининг маънавий-ахлоқий қимматини таъкидлайди. Шу қимматдан маҳрум виқорни шоир фазилат санамаган. Энди «ҳилм» баҳсида. Ҳилм — юмшоқтабиатлилик, беозорлик, собирлик хислатларига эришмоқдир. Навоий таърифида: ҳилм—ахлоқли одамнинг қимматбаҳо либоси ва у кийим турларининг энг чидамли матоси. «Ҳилм маъдани бўлакўр» демоқдан



А. ЦИГЛИНЦЕВ. «Навоий Ҳиротда».

асл мақсад мана шу. Олимлар ҳилмни уч турга ажратишган. Шулардан бири ҳилми золимон дейилади. Золимлар ҳилми—кўнгулдаги кину адоватларни ҳайдаш демак. У кечиримли бўлмоқ, дил поклиги ва бағрикенгликни шарт қилиб қўяди. Одам шунда ёмонлик қилганга ҳам яхшилик кўрсатибгина қолмасдан, бундан ҳузур ҳам топади. Нўширавон деган одил подшоҳ ҳилмга хиёнат этмаслик учун учта хат ёзибди-ю, қулига бериб: «Мен аччиғлансам, шу уч хатдаги гапларни галма-гал ўқиб берурсен»,— дебди. Кунлардан бирида унинг қаҳру ғазаби қўзғабди. Қул биринчи хатни очиб ўқибди. Унда «Жаҳлингни қув, сенга тангри яхшилик ато қилғай!»,— деган сўзлар битилган экан. Иккинчисида «Раҳм қил, раҳм кўргайсен», учинчисида эса, «Оллоҳ қулларини ўзига топшир, ростликка бўйин сундирғай!», — дейилган экан. Бу ривоятдан иккита хулоса чиқариш мумкин. Биринчиси — энг одил одам ҳам ҳилм учун қайғуриши керак. Иккинчиси, ҳалимлик туфайлигина беғараз иззат-ҳурматга эришилади. Биз бугун шафқатсизликдан нолиймиз. Шоирлар инсон қалбини «ёвузликдан зада Қўриқхона»га қиёслаб, «Эзгу, латиф ҳислар бўлмасин увол», дея ҳасрат чекишса ҳам меҳру шафқатимизда шафқатсизлик қалқиб туради! Нега? Чунки аждодлар муқаддас билган ва фавқулодда масъуллик билан муҳофаза қилган туйғулардан узоқлашдик. Ахлоқнинг тарихий талабларига бефарқ қарашга кўникдик. Виқорли бўлиш биринчи галда, халқ манфаатини ёқлаш, қайси тарзда бўлмасин, элга фойда етказиш. Ҳалимлик ҳам худди шундай. Сенинг қалб юмшоқлигинг ўзганинг тош бағрига таъсир ўтказмаса, бу— ҳилм эмас. Мана шунинг учун Алишер Навоий виқор ва ҳилм «шева»сида тоғдан ибрат олишни тавсия этган:

**Бу шева тоғда зоҳирдурурки, даврондин,**
**Қачонки тафриқа етти улусқа бўлди паноҳ.**

Ҳа, умри ташвиш ва заҳматда ўтган халқнинг орқатоғлари бўлмоққа қодир фарзандларининг сафи кенгаймагунча, у халқнинг виқорига тоғлар тимсол бўла олмайди.

Нодон ва гумроҳ кимсаларга дуч келганимизда, кўпинча «аблаҳ» деган сўзни ишлатамиз. Лекин улар нега аблаҳ, аблаҳликнинг туб сабаби нимадалигини унча мулоҳаза қилавермаймиз. Инсоннинг онг ва билими нақадар юксалса, у ҳайвоний ҳамда шайтоний хислатларидан ўшанча покланади. «Ҳар бир одамнинг калиди — унинг фикри»,— дейди Эмерсон. Шу «калид»дан маҳрум киши, хоҳланг-хоҳламанг, фикрсизлиги жиҳатидан ҳайвонсифатдир. У англаса ҳам англамагандек. «Умрин аблаҳ кечуруб ғафлат ила» сатри билан бошланадиган қитъани ўқиб, сиз беихтиёр аблаҳликнинг ўқ илдизига етгандек бўласиз. Аблаҳлик—умрини ғафлатда ўтказиш экан. Ғофиллик—тушунмаслик, ўз ихтиёри-ла ҳайвонга дўниб, маънили гап ўрнида «харрос» тортиш. Чунки ғофил кимса:

**Бир эшакдурки, тағофил юздин**
**Қилғай изҳор паёпай аррос.**

Мана шу «эшак»лар Ватаннинг шўри, эрку истиқболнинг ғовларидир. Фақат буларгина эмас, албатта.

**Фалонға ажаб ҳол эрурким халойиқ,**
**Не қилса алар бирладур можароси...**

«Фалон» деб аталган бу кимса ўн бешинчи аср одамларининг асабини нечоғли қақшатган бўлса, бугун ҳам ўша фаоллигини тўхтатгани йўқ. Гап шундаки, ҳамма замонларнинг ҳам йўқ жойлардан чанг чиқаргувчи, эл-юрт билан иттифоқда яшаса ичи емириладиган можаропарастлари бўлади. Йигирманчи асрда буларнинг сони-саноғи кўпайса кўпайдики, камаймади. Бу жанжалкашларнинг ҳоли, Навоий айтмоқчи, «ажаб ҳол». Улар «эл ошиға бир нўхад» қўшишга қодир эмас. Аммо халойиқ дилини сиёҳ этишга моҳир. Улар яхшилик муҳитига ёмонлик, бузғунчилик келтирувчилардир. Фосиқ ва фитна қўзғовчилар билан эл ўртасида ҳамжиҳатлик бўлиши мумкинми? Қизиғи шундаки, бу бойқушсифатлардан эл қанча ўзини узоқ тутса, улар ўшанча суқулувчан, юзсизларча аралашувчан бўладилар. Буни шоир образли ифодада:

**Қазон йўқки ул анда кафлиз эмастур,**
**Ки бўлсун юзига қазонлар қароси, —**

дейди. «Кафгир»лик лаёқати можаробозларгагина эмас, ўз ҳузур-ҳаловатларини кўзлаб эл оғирини енгил дегувчи, мансабу мартабаси учун ҳамма нарсани сотишга тайёр «ҳурматли» зотлар учун хослигини ҳам унутмаслик керак.

«Мансабга эришган одам — бой берилган одам»,— деган экан бир донишманд. Бу фикр балки мунозаралидир. Бироқ унда бари-бир ҳақиқат бор. Мансабу шуҳрат кишини ўзгартиради. Амалга минганда ҳаволанмайдиган киши кам. Мансаб курсисида эътибор топганлар аксарият пайтларда «қилиқ» чиқаришади. Навоий шу қилиқлардан энг ёмонига диққатни қаратади:

**Ҳар кишиким топса даврон ичра жоҳу эътибор,**
**Ким аниң зотида бедоду ситам бўлғай қилиғ.**

НАВОИЙГА ИНОНМОҚ лозим. Шоирнинг «Ҳар кишиким топса даврон ичра жоҳу (амал, юқори мартаба) эътибор», — дейишига қараганда, мансаб пояларидан юқорилагани сайин инсонийликда тубанлашмай, зулму зўрликни кучайтирмаган одамлар деярли бўлмаган. Бундай вазиятларда ёмонлик қилмасликнинг ўзи яхшилик қилмоқ билан тенгдир:

**Яхшилиғ гар қилмаса, бори ёмонлиғ қилмаса,**
**Ким ёмонлиғ қилмаса, қилғонча бордур**
**яхшилиғ.**

Бу байтдаги фикр бундай қаралганда насиҳат ёки бир истак. Аммо унда жувонмардликнинг шартларидан бири илгари сурилган. Маълумки, жувонмардлик ёхуд футувват деб аталган таълимот Яқин ва Ўрта Шарқнинг кўпгина мамлакатларида кенг тарқалган. Бу таълимот вакиллари ижтимоий тенглик, адолат учун курашганлар. Бир одамдан «Қандай киши жувонмард аталишга лойиқдир», — деб сўраганларида, у: «Нуҳ пайғамбарнинг яхши хулқи, Иброҳимнинг ишончи, Исмоилнинг тўғрилиги, Мусонинг самимияти, Абу Бакрнинг ҳамдардлиги, Усмоннинг уятчанлиги, Алининг билимдонлигини ўзида мужассамлаштирган киши жувонмарддир. Шулар билан бир қаторда у одам ўзини тергаши, яъни бор нарсасидан мағрурланмаслиги, ҳеч пайт шахсиятпарастлик қилмаслиги, мақтовга учмаслиги, ҳамиша ва ҳамма жойда ўз сифатларидан фақат камчиликларини, биродарларининг хулқидан эса яхшиларини кўрсатиши шартдир», деган экан.

Манманликдан бутунлай воз кечмоқ, бировга қасд этмаслик, тил ва дил бирлиги, тафаккур меҳнатига эга бўлмоқ, мулойим сўзлик, сафарни севиш, тан ва кийимни покиза тутмоқ, сир сақлаш, камтарлик ва хоксорлик — булар жувонмардлик ахлоқининг мезонларидир. Жувонмардликда Ҳақиқатга садоқат — яшашнинг бош моҳияти. Бу оқим кишиларининг эътиқоди бўйича ҳамма вақт ва ҳар қандай шароитда фақат Ҳақиқатни сўзлаш зарур. Негаки, дунёнинг ҳамма ишлари Ҳақиқатдан Ҳақиқатга томон юришади. Ҳақиқатгина адолат ҳамда диёнатга чин посбондир. «Қобуснома»да жувонмардликнинг асоси уч нарсада деб белгиланган. Бири — айтган сўзингни бажариш. Иккинчиси — тўғриликка асло хилоф иш қилмаслик. Учинчиси — хайру эҳсонни кўзлаш. Жувонмард ваъдасига вафо этгувчи, софдил ва ростгўйдир. У бечора, мутҳож, ғарибларга мадад етказишдан мадад олган. Ёмонлардан яхшиларни ҳимоя қилишдан роҳатланган. Навоий бир фардида:

**Мурувват барча бермакдур, емак йўқ,**
**Футувват барча қилмоқдур, демак йўқ, —**

деб ёзганида ҳам жувонмардлик эътиқодининг шартларини қайд этган эди. «Қобуснома»да ўқиймиз: «Билгилки, жувонмардликнинг такомиллашгани шундай бўладики, ўз молини ўзиники, бошқанинг молини бошқаники деб билади. Халқ молидан тамаъ қилмагил, ўз қўлинг билан қўймаган нарсани олмагил. Халққа яхшилик қила олмасанг ҳам ёмон қилмағил». Навоий эса буни «Ким ёмонлиғ қилмаса, қилғонча бордур яхшилиғ», дея ривожлантирган эди. Бизнингча, байтда теран ишорат ҳам бор. Шоир бу ишорат орқали жувонмардликнинг инсонпарварлик талабларига диққатни тортишни ўйлаган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Бундай ишоратларнинг кўпчилиги Навоий қитъаларида яширинган тарихий ҳақиқат ва ҳодисаларни англашга бир очқичдир.

**Навоий, тилинг асрағил зинҳор,**
**Десангким, емай даҳр ишидин фусус.**

Шеърдаги асосий мақсад — тилни асрашга чақириқдир. Лекин бу бировларга етиб боради, эҳтимолки, бировларнинг онгига таъсир ўтказмас. Навоий шуни инобатга олиб, қитъаларда севиб ишлатган тамсил санъати, яъни мантиқий далиллаш усулига суянади. Навбатдаги байт:

**Назар қилким, ўқ оғзи тилсиз учун,**
**Қилур тожварлар била дастбўс.**

Демак, бу — биринчи далил. Чунончи, назар сол, ўқ оғзи (ёй ўқи эътиборга олинаётир) тилсиз бўлганлиги учун тож соҳиблари — шоҳлар билан қўл ўпишади. Байтдаги фикр мазмунини аниқ билиш ва тўғри хулоса чиқариш учун тарихга — ўтмишда яратилган афсона, асотирий қарашларга мурожаат этиш лозим. Қадимий туркларнинг тасаввурларига кўра ёй ва ўқ худо томонидан яратилган эмиш. Шунинг учун туркларда ёй — ҳукмронлик, мустақиллик, ўқ эса тобеликни билдирган. Мабодо бир қабила иккинчи қабила бошлиғига ўқ юборса, у икки маънода қабул қилинган. Бири — ҳурмат, иккинчиси — қарамлик. Энг қадимги хитой манбаларида туркларда ҳар қайси қабиланинг махсус ўқи мавжудлиги ёзилган экан. Бошқа бир ақидаларга биноан, ёй — турғунлик, ўқ — эрк тимсоли. Бунда «Сен ўқсан», дейилса, «Сен буткул эркинсан» мазмунида тушунилган. Шу тариқа Навоий ўқнинг «тожварлар била дастбўс»лигига бежиз эътиборни тортмаган. Энди иккинчи далил:

**Неча тожвардур кесарлар бошин,**
**Чу ҳангомсиз нағма тортар хурус.**

Ўққа нисбатан бу салбий маълумот. Хўрознинг бемаҳалда қичқириши ҳануз хосиятсиз ҳодиса саналади. Сабаб? Бундай тушунча қачондан бошланган? Бу воқеа ҳам афсонавий Каюмарс деган подшоҳнинг ўлими билан боғлиқ.

«Важҳи маош учун кишиким деса фикр этай» мисрали қитъа фалсафий мазмунга эга. Унинг аввалги байтидаги маъно бундай: қайси инсонки важҳи маош — ҳаёт, тирикчилик ташвишлари учун ортиқча қайғурса, «Қисмат ризосидин анга бегоналиқ керак». Шарқ мутафаккирларининг ҳукмлари бўйича, қаноат туйғуси — маънавий хазина. Қаноатини топган ҳеч кимга муҳтожлик сезмайди. Шунинг учун қонеъ шахсларни фойда ва таъма тузоқларига тушириб бўлмайди. Қаноатли бўлмоқ — руҳан озод бўлмоқ. Руҳ ҳурлиги эса шундай дахлсиз муҳитки, унда ғурур шикаст топмайди, майда ташвишлар юракка озурдалик етказа олмайди. Навоий айни шундай қарашларни давом эттириб «ганжи қаноат»ни бир салтанат сифатида таърифлайди. Бироқ бу салтанатга эгалик қилишнинг энг муҳим шарти бор. Бу — элдан таъма этмаслик, эл кўзига хас ташламаслик. Бунда энди қаноатнинг ўзигагина суянмоқ кифоя эмас. Шоир уқдирганидек «Элдин таъмани узгали мардоналиғ керак».

Муҳаммад Фузулий «азал котиблари» —ошиқлар бахтини қаро ёзганликларини айтган. Айни ўринда Навоий шу бахтиқароликнинг гўё сабабини ёрқинлаштирган. Яъни, ишқ дардига гирифтор кўнгил висолга интилади. Аммо ошиқ учун висол «мумкин эмас» нарса. Ошиқлик толеи аввал-охир «дарду балоға ҳамдаму ҳамхоналик»ни талаб этади. «Дарду балоға ҳамдаму ҳамхоналик» нима дегани? Нафсу ҳирс зуғумларидан халослик дегани. Шунинг учун ҳам қитъанинг кейинги байтида нафс лаззатларини тарк этмоқ хусусида гапирилади:

**Лаззати нафс тарки самари офият берур,**
**Лек ул шажарни экали фарзоналиғ керак.**

Демак, нафсоний лаззатларни тарк қилмоқ — осудалик, ички равшанлик. Бироқ бу осудалик дарахтини (шажарни) кўкартириб, вояга етказмоққа оқиллик ва заковат лозим.

ТАНҲОЛИКНИ СЕВГАН одам бора-бора уни юракка яширмоқни истаб қолади. Лекин ёлғизлик ҳислари қалб қаърига ҳар қанча чуқур чўкмасин, бундан дил нигоҳи зарур даражадаги ёлқинини топмайди. Навоий тоқлик нурининг манбаини қуйидаги тарзда асослаган эди:

**Тажрид нуридин киши кўз ёрутай деса,**
**Аҳбоб ҳажри шамъиға парвоналиғ керак.**

«Аҳбоб ҳажри шамъиға» парвоналиғ — нурга интилишгина эмас, фидойилик ҳамдир. Шоир висол шамъиға эмас, дўстлар ҳижрони зиёсига талпинишни назарда тутган. Ёлғизлик нуридан кўзларини ёруғ этмоқ орзуидаги киши учун айрилиқ ўйлари ҳақиқатда ҳароратли ва изтироб уйғотувчидир. Бунинг иккинчи жиҳати ҳам бор:

**Гар анжуманни деса мурид у мутиъ этай,**
**Кўп нуктау фасонада афсоналиғ керак.**

Шу «афсоналиғ»лардан бири «ботин ҳарими» — дил кошонасини маънавий бойликлар билан тўлдириб, «зоҳир уйи» — ташқи истакларнинг асосларини вайрон этишдир:

**Ботин ҳаримида тиласа махзани ҳузур,**
**Зоҳир уйи асосиға вайроналиғ керак.**

«Зоҳир уйи асоси» дейилганда инсондаги моддий ва жисмоний эҳтиёжларга тегишли нарсаларни тушунмоқ керак. Бойлик, мансаб, молу дунёдан мағрурланиш — булар ўша «зоҳир уйи»нинг пойдеворн ёки безакларидир. Агар «зоҳир юзидин» кимки манфаат тиласа унга:

**Дарду бало муҳитиға дурдоналиғ керак.**

Бироқ шуни ҳам хотирдан чиқармаслик зарурки, ишқ зўридан «дарду балоға ҳамдаму ҳамхоналиғ» билан «зоҳир юзидин» «тожу иззу жоҳ» ҳирсида «дарду бало муҳити»даги «дурдоналиғ» орасида ер билан осмон қадар тафовут бор.

**Десанг халос ўлай борисидин Навоийдек,**
**Бехудлуғу май ичмаку девоналиғ керак.**

Охирги мисрадаги «бехудлуғ», «майхўрлик» ва «девоналиғ» ҳолатларини тўғри маъноларда англаш хатодир. Навоий таъкидлаётган «бехудлуғ» ақл имтиёзлардан баланд руҳий қувватдир. Шундай бехудлуғдаги озод қалбгина:

**Ишқ оламсўз келди, қўй фусунинг, эй хирад,**
**Етти чун ер-кўкни йиртиб арслон, эй тулку,**
**қоч! —**

дея олади. Май-чи? У маърифат нури, ҳақиқий ишқ «шароби». Бу «май»дан ақл-ҳушини йўқотган одам дунёга энг ҳушёр ва теран нигоҳ билан қаровчи ҳақшунosдир. Бу тоифа зотларнинг назарида зарбофт тўнлар ёпиниб юрган ҳавойи бандалар ялтироқ чибин рамзига айланганликларидан асло ажабланмаслик керак:

**Тўнин зарбофт айлабон ҳиффатдин учқон**
**ҳар тараф,**
**Йўқ ажаб гар бор эса дунё матои ком анга.**
**Ул чибинким, кўзга олтун янглиғ шикор**
**хилъати,**
**Кўпраки, билким, нажосат узрадур ором анга.**

Ушбу қитъани ўқиган мусаввир ўзига хос бир жонли сурат яратиши мумкин. Унда шундай манзара акс этган бўлурди: зарбофт тўнларга бурканган «олийсифат» бир кимса. Юзида мамнуният. Кўзида хорислик. Енгилтакликдан у гўё қанот қоқай дейди. Зар тўн детали унинг ички аҳволини кўрсатиб тургандек. У дунёпараст («дунё матои ком анга»). Мол йиғиш, давлат тўплашдан бўлак баландроқ талаб йўқ унда. Бундан таажжубланмайсиз. Лекин ачинасиз. Иттифоқо, олтин янглиғ ялтираб кўринаётган чибинга кўзингиз тушади. Бу чибиннинг ифлос жойларда қўниб-учишидан бохабарсиз. Мана, суратда ҳам қандайдир ёқимсиз кўлка акси. Чибиннинг оромбахш жойи шу. Ҳалиги дунёпараст бир зумда тасаввурингизда ана шу чибинга айланади. Нега бунча яқинлик? Қаердан бу ўхшашлик? Нафсу ҳаводан! Нафс қўғирчоғи — зарбофт кийимли кимса тилла чибиндек ҳар тарафга учишга тайёр, чибин эса «нажосат узра» гирифтор. Бундан ҳам ортиқ ибратли маъно ва манзара яратиш мумкинми?

БУ ДУНЁДА КЎП нарсалар унутилади. Бу дунё унутиб бўлмас нарсаларни ҳам баъзан унутади. Лекин Алишер Навоий сингари тенгсиз даҳоларнинг Сўз ва Ғояларини унутишга унинг кучи етмайди. Навоийнинг шеъриятида бир Шоир ва бутун бир халқ яшайди. Бутун бир халқнинг маънавий-руҳий ривож йўллари, улкан бир даврнинг тафаккур олами Навоий ижодиётида мукаммал аксини топгандир. Навоийнинг ўтлуғ кўнглидан тўкилган шеърий сўзлар авлодлар руҳига Ҳақиқат, Адолат, Диёнат, Тўғрилик, Дард ва Келажак бўлиб таъсир ўтказади. Навоий ҳар биримизнинг севган шоиримизгина эмас, бизнинг озод Ватанимиз ҳамдир. Биз мана шу Улуғ Ватаннинг тафаккур хиёбонларига дадил интилиб, якранг ақлимиз, қотиб қолган тушунчаларимиз учун нажот изласак, ноумидликлар, таҳликали хаёллар ва ношудликлардан кўпроқ қутула борамиз.

Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ



Мулоқот. Шоирлар—Азим Суюн ва Усмон Азимов

# ЭРКИН СЎЗ МАСЪУЛИЯТИ

ОШКОРАЛИК ДАВРИ ижодкорларга ҳақиқатни баралла айтиш ҳуқуқини берди. Бу ҳуқуқнинг икки буюк аҳамияти бор. Биринчидан, у ҳақиқий талант эгаларини «ўртамиёна»лардан фарқлашга ёрдам беради. Иккинчидан, ҳақиқатни баралла айтиш ҳуқуқи ҳақиқий талант эгаларини ҳушёр торттириб қўяди: ҳақиқатни баралла айтиш керак, лекин бу «айтиш» бадиий шаклда бўлсин-у минбардаги нотиқнинг «баралла айтиши»дан фарқ қилсин. Демак, бу жиҳатдан ошкоралик бадиий сўз қадрини оширишга ёрдам беради.

Шоир Эркин Воҳидов — шеъриятдаги анъанавий лирик-фалсафий йўналишнинг давомчиларидан бири. Поэтик фикрни турли моделларга солишга уриниш, экстремал психик ҳолатларда ифодалаш, уларга руҳий-интеллектуал заряд бериш каби янги шеъриятга хос унсурлар унинг лирикасида ҳам учрайди. Лекин шоирнинг кейинги шеърларида ички портлашдан ҳосил бўлган ўзгача бир оҳанг юзага келганини кўрамиз. Шоирнинг «Девонаи ҳақгўй», «Қарсак» шеърлари фикримизнинг далилидир. Бу шеърларда руҳий тўлғоқларнинг баёни эмас, бу тўлғоқларнинг рамзийлашган шакли кўринади. Ички драматизмнинг сокин ва ғамгин аламлардан қурилган рамзлар орқали ўқувчи қалбига етиб бориши, портлаши Абдулла Ориповнинг «Хатоларинг керак уларга...», «Ёш шоирларга», «Эл қулласа...», «Ўйламай нетайин» сингари шеърларида ҳам ёрқин намоён бўлади. Заҳматкаш эл дардини доимо жўровоз бўлиб куйлаб келган бу икки ижодкорнинг дардлари нақадар бир-бирига ҳамоҳанг эканлигини сезамиз. Чунки бу дардлар аввало халқ дардидир.

**Токи бошлиқ зоти экан ҳақ,**
**Гапи гапу, сўзи сўз экан,**
**Тўрдагилар ҳокиму мутлақ,**
**Пастдагилар юмуқ кўз экан,**
**Пешонангга битилган аттанг,**
**Енгилмоқ бор доимо жангда.**
**Мудом сенинг қўлингда паттанг,**
**Мудом сенинг тўнинг елкангда.**

(Эркин Воҳидов, «Девонаи ҳақгўй»)

**Ахтарурлар ҳамиша иллат,**
**Етти пуштинг гўрин титарлар.**
**Фақат унма, улғайма фақат,**
**Хато қилишингни кутарлар.**
**Улар сенга бир умр йўлдош,**
**Содиқ ҳамроҳ каби ўтарлар,**
**Қабринг узра эгсалар ҳам бош**
**Хато қилишингни кутарлар.**

(Абдулла Орипов, «Хатоларинг керак уларга...»)

Бир талай ҳикоя ва қиссалар ғоявий мазмунини ахлоқий-маиший мавзулар ташкил этмоқда. Одамларнинг ижтимоий ҳаётга муносабати, дунёқараши жамиятда ахлоқий муҳитни белгилайди. Гап ижодкорларимизнинг ана шу маънавий-ахлоқий муаммолардан қай даражада маҳорат билан реалистик хулосалар чиқаришларида.

Афсуски, эълон қилинаётган роман, қисса, ҳикоя, драмаларни синчиклаб кўздан кечирсак, ошкоралик баъзи ижодкорларимизни дафъатан шошириб қўйгандек таассурот қолдиради. Уларнинг аксарияти мавзу ва ғояси жиҳатдан актуал, давр талабига мос келса-да, бадиий томондан анча бўшлиги сезилиб туради. Хайриддин Султонов ўзининг «Ёзнинг ёлғиз ёдгори» қиссаси, «Бир оқшом эртаги» китобига кирган бир қанча ҳикоялари билан ўқувчилар эътиборига тушган эди. Лекин ёзувчининг «Ажойиб кунларнинг бирида» қиссаси ва «Умр эса ўтмоқда» китобига кирган кўпгина ҳикоялари бадиий кашфиёт даражасига етган эмас. Шундай мулоҳазаларни ёш адиблargina эмас, Мақсуд Қориев, Фарҳод Мусажонов, Омон Мухторов, Учқун Назаров каби тажрибали ижодкорларнинг асарлари хусусида ҳам айтиш мумкин.

Бугун яқин кечмишдаги воқеаларни кенг эпик планда таҳлил этишга интилиш ҳам сезилмоқда. Нурали Қобулнинг «Унутилган соҳиллар» роман-монологи ва Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Лолазор» романлари ана шундай интилиш самаралари ўлароқ вужудга келди. Гарчи бу романлар бош ғояси, пафоси жиҳатидан бир-бирига яқин турса-да, улар бадиий характерларига кўра фарқ қиладилар. «Унутилган соҳиллар»да кўтаринки оҳанг, публицистик руҳ кучли. Ана шу руҳ, менингча, айрим ўринларда сунъийлик, схематизм каби қусурларга йўл очиб беради. Бундан ташқари, муаллиф ўз персонажини салкам идеал қаҳрамонга айлантириб қўяди. Ҳамма адашади, ҳамма гуноҳ қилади. У эса йўқ! Ҳақгўй ва ҳалоллигича қолаверади. Бу даъвомизга роман мантиқидан келиб чиқадиган жавоб ҳам тайёр: бош қаҳрамон Нурзоджон қайсар ва ўжар, шунинг учун ёлғон ва алдовларга учмай ҳалол яшайверади. Лекин бу «жавоб» ҳам, жавобга асос бўладиган бадиий мантиқ ҳам анча сунъий назаримда. Нурзоджоннинг ўзига хос характер сифатидаги зиддиятлари тўла очилмай қолади. Асарнинг бадиий қурилишида ҳам мувозанат бузилгандек туюлади. Адиб турғунлик даври даҳшатларини инсоният тарихи кенгликларига олиб чиқиб тасвирламасдан, турғунлик даври косаси ичига тарихнинг азалий зиддиятларини сиғдиришга уринади.

«Лолазор» муаллифининг асосий мақсади эса турғунлик даври иллатларини очиб ташлаш эмас. У инсоннинг ўз иллатларини очиб ташлашни кўзлайди. Шунинг учун романнинг эпик қаҳрамони биз кутгандан ҳам кенгроқ, чуқурроқ бўлиб туюлади.

Албатта, қисқача тўхталиш билан юқорида қайд этилган ҳар иккала асарнинг ҳам бадиий жиҳатларини тўла қамровга олиш мумкин эмас. Бу асарлар хусусида фикрлар билдирилмоқда, ҳали кенг кўламдаги баҳс-мунозаралар авж олиб кетса ажабмас.

Дарҳақиқат, ўткир драматизм ва ҳаёт ҳақиқатини ёритиб берувчи роман ва қиссалар, шеър ва ҳикоялар, драма ва достонлар эълон қилинаётир. Бундай янги асарларнинг ғоявий мундарижасини ҳалоллик ва социал адолат, одам бахти ва қадри учун кураш, бу йўлда ғов бўлган барча нохушликлар, социалистик жамиятимизга ёт, демократик тузумимизга тўғри келмайдиган, яхшилик, тўғрилик ва эзгуликни оёқости қилувчи иллатлар қаттиқ қораланмоқда. Айниқса, яқин ўтмишда ҳаётимизда рўй берган ижтимоий, маънавий-ахлоқий чекинишлар, бузилишларга ошкора муносабат билдириш алоҳида бўртиб кўринмоқда.

КИТОБХОН сўнгги икки-уч йил ичида Шукур Холмирзаевнинг давр туйғусини ифодаловчи бир неча ҳикоясини ўқишга муяссар бўлди. Бу оригинал ҳикоялар аниқ гражданлик позициясидан туриб ёзилган, уларда ахлоқий мушоҳада, ғоявий-эстетик мақсад анча теран. (Бу фикрни адибнинг «Йўловчи» романи ҳақида айтолмаймиз). Ўзбек ҳикоячилигида Шукур Холмирзаев забардаст адиб сифатида ўзининг муносиб ўрнига эга. Ўтган йили «Ёшлик» журналида ёзувчининг «Яшил «Нива»», «Устоз», «Хумор» ҳикоялари эълон қилинди.

«Яшил «Нива»» — кичик ҳажмли асар, унда ижтимоий иллат — мансабдор, имтиёзли кишиларга қуллуқ қилиш, таъзимда бўлиш, зўравонликнинг фожиалари ҳақида баҳс юритилади, ўқувчининг диққати сўнгги ўн йилликлар давомида социал адолатсизликлар, одамлар психологиясидаги лоқайдлик, худбинлик авж олгани масаласига жалб қилинади. Ҳикояда тасвирланган воқеа юзаки қаралганда, анча жўн: асар қаҳрамони оиласи билан ўз машинасида юртига кетаётганида машҳур «диктатор» директорлик қилаётган совхоз территориясидаги довон орқали ўтиши керак.

Унда ўша «диктатор директор»га дуч келиб қолиш ҳадиги ҳукм суради. Хўш, бундай «диктатор» қандай одамки, ундан бунчалик у қўрқади: «У ким? Ўша райком секретарини алмаштириб юрганлардан. Ўзингиз билган ўшанақа одамни тасаввур қилаверинг. Уларнинг бари бир-бирига ўхшаш...».

Ёзувчи ана шу яшил «Нива»лар таъқибидан ҳамон қутула олмаётганимизнинг фожиасини жуда аниқ, ишонарли бадиий чизган. Ҳақиқатан, мамлакатимизда рўй бераётган улкан янгиланиш, покланиш — қайта қуриш, демократиялаштириш даврида ҳам биз ўз дардларимизни очиқ-ойдин айта олмаётганлигимиз, айтганда ҳам, жуда эҳтиёткорлик, журъатсизлик кўрсатаётганимизни эътироф этиш керак. Бунинг сабабини ёзувчи одамлар юрагига илдиз отган қўрқоқликда кўради: «Ўтиб кетайми? Бе, ўша куни институтдан думимни тугдиради, бунақа воқеалар бўлган-да, айримлар эҳтиётсизлик қилиб ўтиб кетиб, балога йўлиққанлар».

Мана бу асл фожиа. Ўзликни йўқотиш, тирикчилик учун чўчиш. Бундай одамларнинг ҳеч нарса билан иши йўқ, фақат тинчлиги бузилмаса бас... Ҳикояда оддий инсоний ҳуқуқларнинг поймол бўлиш драмаси яхши очиб берилган. Шубҳасиз, ҳикоядаги воқеа — яшил «Нива» таъқиби биргина совхоз, район, область миқёсидаги ҳодиса эмас. Унинг чегаралари анча кенг...

«Устоз» ҳикоясида ўша давр яратган бошқа бир тоифадаги одамлар типини кўрамиз. Ўқувчи кўз ўнгида ўта эҳтиёткор, ўз соясидан ҳам ҳадиксирайдиган, таъминланган, бошқанинг дард-ташвишига лоқайд, сиртига сув юқтирмайдиган кишилар намоён бўлади. «Уни ким ўлдирди? Энди ўйлаб кўр, ўғлим: одамлар мана шунақа. Қўрқоқ, ваҳимачи, виждонсиз!.. Бу гапларни сенга айтаяпман. Аммо-лекин нодир талант эди-да». Ёзувчи маккор, мунофиқ кимса образини ёрқин гавдалантиради.

Ёзувчи «Хумор» ҳикоясида она табиат, атроф-муҳитни ифлослантириш айрим кишилар психологияси, яшаш, турмуш тарзига ҳам ўрнашиб қолганлигини аёвсиз фош этади. Одамзод арақхўрлик, гиёҳвандлик, кашандалик ёки ит, қўчқор, хўроз уриштириш, қиморбозлик касалликларига мубтало бўлганини билардик. Аммо пахтага сепиладиган заҳарли дориларга хумор бўлиш ақл бовар қилмайдиган фавқулодда ҳодиса — дардманликдир. Шукур Холмирзаев ҳикоя учун яхши услуб топади — муаллиф воқеаларнинг тафсилотига сира аралашмайди. Халқимизда «Бошидан ўтган ҳақиқий табиб», деб бекорга айтилмаган-ку!

Заҳарли химикат ҳидига ўрганиб қолган кимса ўз ҳикоясини айтиб адо қилолмайди. Ўқувчи одам боласининг умри, хаёллари гулдек хазон бўлганидан ларзага келади. Ахир, қуйидаги парчани ғазабланмай ўқиш мумкинми: «У дори менинг таржимаи ҳолимга сингиб кетган, ахир! Тушунаяпсизми? Менинг бутун қувончларим, завқларим, ҳаётимнинг маъноси, Ватан олдидаги бурч, илк муҳаббатим ҳам... ўша билан боғлиқ. Усиз ўтмишим йўқ... Шунақа бўларкан-да, ҳаёт!.. Илтимос тўхтатинг... Анавинга қаранг! Йўл ёқасига! Ажриқзоргаям сепишипти-ку? Сап-сариқ бўлиб ётипди!»

БУ ҲИКОЯЛАР ўқувчида мушоҳада, фикр уйғотади. Экологик бузилишларга қарши фаол муносабатни шакллантиради.

Ёзилаётган ўнлаб асарларнинг ҳаммаси ҳам ҳар жиҳатдан мукаммалликка даъвогар эмас. Уларнинг бир қисми ўқувчида кучли эстетик таъсир уйғотишдан ожиз. Айрим асарларда ҳаётийлик билан бадиий мантиқ уйғунлиги, инсон руҳининг диалектик моҳияти таҳлили, концептуаллик етишмаётир.

Давр, китобхон ижодкорлардан янги бадиий кашфиётлар кутмоқда. Эркин сўз масъулияти бугун — қайта қуриш, янгича фикрлаш даврида кучаймоғи лозим.

Исроил МИРЗАЕВ

